

**“ШЕРОБОД ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ
ЙИҒИЛИШИ
1-СОН БАЁННОМАСИ**

Сурхондарё вилояти,
Шеробод тумани, Мустақиллик кўчаси 1-уй

2021 йил 24 март

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани, Мустақиллик кўчаси 1-уй, “Шеробод пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **09:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **09:50**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **10:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – 2 464 188.

“Шеробод пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) жамият бош директорининг 2021 йил 27 февралдаги 01-12/029-1-сонли таклифи инобатга олиниб, кузатув кенгаши томонидан 2021 йил 1 мартда қабул қилинган қарорга мувофиқ ўтказилмоқда.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2021 йил 18 март.

Ш.Курбанов йиғилиш раёсатини ва котибини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1. Курбанов Шамситулла Аллаевич – “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчи-Йиғилишда раислик қилувчи;

2. Турсунов Неъмат Нормейлиевич – “Шеробод Пахта тозалаш” АЖ бош директори в.в.б.;

3. Алиев Қурбон – жамият акциядори.

Йиғилиш котиби этиб У.Зубаев – жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахассиси сайланди.

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини қутлаб, йиғилиш қворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санок комиссияси аъзоси Ғ.Бойназаровга берди.

Санок комиссияси ахбороти:

Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси томонидан 2021 йил 18 март ҳолатига шакллантирилган “Шеробод пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 899 та акциядорга тегишли 2 464 188 дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 1 281 192 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 27 та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 51,99 % ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (қворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:

Н.Турсунов – жамият бош директори в.в.б.;

Ғ.Бойназаров – жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори;

Йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

КУНТАРТИБИ:

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
 2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
 3. Жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича аудиторлик ташкилотининг хулосасини тасдиқлаш.
 4. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш.
 5. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.
 6. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш ҳисоботини тасдиқлаш.
 7. "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Республика худудларида пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2019 йил 18 ноябрдаги 914-сон қарори ижросини таъминлаш бўйича "Шеробод пахта тозалаш" АЖ ҳамда жамиятга қарашли пахта тайёрлов масканларининг бино ва иншоотларини пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари ташкилотчиларига сотиш билан боғлиқ йирик битим тузиш тўғрисида.
- Кун тартиби эълон килинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов сўзга чиқиб, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, жамият кузатув кенгашинининг 2021 йил 1 мартдаги йиғилиш қарорига кўра санок комиссияси таркибига Бойназаров Ғулом Худойназарович – жамиятнинг Молиявий масалалар бўйича директори, Шодмонов Хамро Ибрагимович- материаллар бўйича катта ҳисобчи ва Хўжаназаров Бахтиёр Юсупович-ишлаб чиқариш бўйича катта ҳисобчи номзодларини киритиш таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан санок комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

"Ёқлаганлар"–1 276 716 та овоз; "Қаршилар"- 4260 та овоз; "Бетарафлар"–216 та овоз; Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Уч кишидан иборат қуйидаги таркибда санок комиссияси тасдиқлансин:

- 1) Бойназаров Ғулом Худойназарович;
- 2) Шодмонов Хамро Ибрагимович;
- 3) Хўжаназаров Бахтиёр Юсупович.

2. Санок комиссияси аъзоларига бажарган ишлари билан боғлиқ харажатларни коплаш мақсадида бир йилда бир марта энг кам ойлик иш хақининг 10 баробари миқдорида рағбатлантирилсин.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур йиғилиш кун тартибида 7 та масала кўрсатилганлигини ва ҳар бир масала бўйича маърузачига - 5 (беш) дақиқадан, муҳокама учун - 5 (беш) дақиқагача вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб, жамият акциядорларидан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини ушбу таклиф бўйича тасдиқлаш масаласига ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 1 276 716 та овоз; “Қаршилар” – 4 260 та овоз; “Бетарафлар” – 216 та овоз; Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича Ғ.Бойназаров сўзга чиқиб, “MEZON-AUDIT-PERFECT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонижан жамиятнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича 2020 йил 02 октябрдаги Миллий стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви хулосаси билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди.

Шу билан бир қаторда “PROGRES AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан тақдим этилган жамиятнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича 2020 йил 2-октябрдаги Халқаро аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви хулосаси билан ҳам Ғ.Бойназаров йиғилиш иштирокчиларини таништирди.

“MEZON-AUDIT-PERFECT” МЧЖ ва “PROGRES AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилотларининг хулосаларида “Шеробод пахта тозалаш” АЖнинг 2019 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний аке эттиради ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳамда халқаро стандартларга мувофиқ.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов акциядорлардан 2019 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича “MEZON-AUDIT-PERFECT” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2020 йил 2-октябрдаги Миллий стандартларга мувофиқ ва “PROGRES AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2020 йил 2-октябрдаги Халқаро аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви хулосаларини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 1276716 та овоз; “Қаршилар”- 4 260 та овоз; “Бетарафлар”–216 та овоз; Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

1. “MEZON-AUDIT-PERFECT” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2020 йил 2 октябрдаги Миллий стандартлар (1-илова)га мувофиқ ва “PROGRES AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2020 йил 2-октябрдаги Халқаро аудит стандартлари (2-илова)га мувофиқ аудиторлик текшируви хулосалари тасдиқлансин.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича жамият бош директори Н.Турсуновга сўз берилди, ва йиғилиш иштирокчиларини жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи билан таништирди. *(йиллик ҳисобот 3-илова қилинади)*. Йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов акциядорлардан мазкур масала юзасидан ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 1 276 716 та овоз; “Қаршилар”-4 260 та овоз; “Бетарафлар”– 216 та овоз; Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов сўзни жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори-бош ҳисобчи Ғ.Бойназаровга берди.

Ғ.Бойназаров йиғилиш иштирокчиларини кун тартибидаги масала бўйича ижроия органининг ва жамият кузатув кенгашининг таклифи билан таништирди.

Жамият Уставига асосан жамиятнинг захира фонди жамият устав капиталининг 15 фоиз 1 108 884,6 минг сўм миқдориди тузилади ва 2021 йил 1 март ҳолатига захира фонди 260 039,0 минг сўм, яъни устав капиталининг 3,52 фоизини ташкил этади.

Жамият Уставида захира фондига белгиланган миқдорга еткунига қадар хар йили соф фойдадан 5 фоиз миқдориди ажратмалар ўтказилиши белгиланганлигини, жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича 165 199,0 минг сўм соф фойдасини куйидаги тартибда тақсимланиши бўйича акциядорлар умумий йиғилишига таклиф киритиш тавсия этилади.

-соф фойданинг 5 фоизи-8 259,95 минг сўмини захира фондига;

-соф фойданинг 50 фоизи-82 599,5 минг сўмни дивидентга соф фойданинг 45 фоизи 74 339,55 минг сўм тақсимланмасдан жамғарилган фойда тариқасида қолдириш.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов акциядорлардан кун тартибидаги масала бўйича берилган таклифга ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича 165 199,0 минг сўм соф фойдасини тақсимлаш бўйича овоз бериш натижалари:

- Соф фойданинг 5 фоизи, яъни 8 259,95 минг сўмини захира фондига.

Ёқлаганлар -1276716 та овоз, Қаршилар-4 260 та овоз, Бетарафлар-216 та овоз

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар-йўқ.

- Соф фойданинг 50 фоизи, яъни 82 599,5 минг сўмини дивидентга йўналтириш.
Ёқлаганлар – 19 980 та овоз, Қаршилар-1 260 996 та овоз, Бетарафлар-216 та овоз; Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар-йўк
- Соф фойданинг 45 фоизи 74 339,55 минг сўмини тақсимланмасдан жамғарилган фойда тариқасида қолдириш.

Ёқлаганлар -1 276 716 та овоз, Қаршилар-4 260 та овоз, Бетарафлар-216 та овоз
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўк.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича олинган – 165 199,0 сўм соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

- Соф фойданинг 5 фоизи, яъни 8 259,95 минг сўм захира фондига йўналтирилсин;

- 2018 йил якуни бўйича тақсимланмаган 1 566 337,3 минг сўмни ҳамда 2019 йил якуни бўйича Соф фойданинг 95 фоизи, яъни – 156 939,05 минг сўм тақсимланмасдан жамғарилган фойда тариқасида қолдириш ҳамда мазкур 1 723 276,35 минг сўм маблағ жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича соф фойда тақсимоотида инobatга олинсин.

- Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов сўзни жамият молиявий масалалари бўйича директори Ғ.Бойназаровга берди.

Ғ.Бойназаров жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш - Депозитарий "Сурхондарё ВАКТ" МЧЖ томонидан ўтказилганлигини маълум қилиб, ушбу ташкилотнинг 2020 йил 18 майдаги хулосани акциядорларга ўқиб эшиттирди. Хулосага асосан, жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимида бир қанча камчиликлар аниқланган ва жамият корпоратив бошқарув тизими даражаси –207 баллга баҳоланган, яъни қониқарли деб эътироф этилган.

Бундан сўнг Ш. Курбанов сўзга чиқиб, Корпоратив бошқарув кодексига асосан жамиятда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича чоралар кўриш ижроия органи зиммасига юклатилганлигини айтиб ўтди.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов акциядорларга жамиятда 2019 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш бўйича берилган хулосани маълумот бўйича қабул қилиш бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 1 276 716 та овоз; “Қаршилар”- 4 260 та овоз;
“Бетарафлар” – 216 та овоз; Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўк.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятда 2019 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари бўйича Депозитарий "Сурхондарё ВАКТ" МЧЖнинг хулосаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Жамият ижроия органи раҳбарига:

- 2019 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли чораларни кўрсин ва икки хафта муддат ичида жамият кузатув кенгашига йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни киритсин;

Кун тартибидаги етинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов сўзга чиқиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика худудларида пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришларини янада кенгайтириш чора тадбирлари тўғрисида” ги 2019 йил 18 ноябрдаги 914-сон қарори ижросини таъминлаш бўйича “Шеробод пахта тозалаш” АЖ ҳамда жамиятга қарашли Завод қоши, Дўстлик, Бўстон, Таллашқон ва У.Юсупов пахта тайёрлов масканларининг бино ва иншоотларини “Сурхондарё Агро хизмат” МЧЖга инвестициялар киритган ҳолда 5 йил муддатда бўлиб тўлаш (тенг миқдордаги йиллик тўловлар) шарти билан баҳолаш қийматида сотиш белгиланган.

“Шеробод пахта тозалаш” АЖга тегишли бўлган мол-мулк ва бино-иншоотларни баҳолаш учун махсус лицензияга эга бўлган “Конкурент баҳо” МЧЖ баҳоловчи ташкилот билан “Сурхондарё Агро хизмат” МЧЖ томонидан шартнома тузилган. “Конкурент баҳо” МЧЖнинг 2020 йил 15 октябрдаги баҳолаш ҳисоботларига асосан “Шеробод пахта тозалаш” АЖ ҳамда жамиятга қарашли Завод қоши, Дўстлик, Бўстон пахта тайёрлов масканларининг бино-иншоотларини ва асбоб-ускуналари **30 049 529,5** минг сўмга баҳолашиб, жумладан Завод ва завод қошидаги маскан **11 086 709,0** минг сўм, Дўстлик пахта қабул қилиш маскани **1 149 222,6** минг сўм, Бўстон пахта қабул қилиш маскани **1 137 819,7** минг сўмни, жами бино-иншоотлар, **13 373 751,3** минг сўм ва асбоб-ускуналар **16 675 778,2** минг сўмни ташкил қилади.

“Конкурент баҳо” МЧЖнинг 2020 йил 15 октябрдаги баҳолаш ҳисоботлари “VERITAS” МЧЖнинг 2020 йил 31 октябрдаги 10/188-сонли экспертиза хулосаларига асосан ҳаққонийлиги эътироф этилган.

Жамият томонидан Бир дона акциянинг бозор қиймати “Конкурент баҳо” МЧЖ томонидан 2021 йил 15-январда 15-КВ-сонли баҳолаш ҳисоботида асосан **12.403,30** сўм деб баҳоланган ва “KONSERVIS” МЧЖ томонидан 2021 йил 21-февралда 06-Э/21-сонли экспертиза хулосаси билан тасдиқланган.

Жамият бош директори в.в.б Н.Турсунов сўзга чиқиб пахта тозалаш корхонасининг бино-иншоотларини Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори асосида баҳоланган қийматда сотиш мақсадга мувофиқлигини айтди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 40-моддасига мувофиқ қуйидагиларни маълум қилади:

- овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар жамият томонидан йирик битим тузиш тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қарорлар қабул қилишда, агар улар қарши овоз берган бўлса ёхуд овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлса, ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилишга ҳақлидир;

- ўзларига тегишли акциялар жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхати акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади;

Ўзларига тегишли акцияларнинг жамият томонидан қайтариб сотиб олиниши тўғрисидаги ёзма талаблари акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарори қабул қилинган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятга тақдим этилиши ҳамда мазкур муддат тугаганидан сўнг жамият томонидан қайтариб сотиб олиш талабини қўйган акциядорлардан акцияларни ўн кун ичида бозор нарҳида қайтариб сотиб олинади.

Жамият томонидан акцияларни қайтариб сотиб олишга йўналтириладиган маблағларнинг умумий суммаси акциядорларда ўзларига қарашли акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи юзага келишига сабаб бўлган қарор қабул қилинган санадаги жамият соф активлари қийматининг 10 фоизидан ошиб кетиш мумкин эмас, бундан жамиятнинг ўзгартирилиши ҳоллари мустасно, қайтариб сотиб олиш талаби қўйилган акцияларнинг умумий сони ушбу қисмда белгиланган чеклов инобатга олинган ҳолда, жамият томонидан қайтариб сотиб олиш мумкин бўлган акциялар сонидан ошиб кетган тақдирда, акциялар акциядорлардан қўйилган талабларга муносиб равишда қайтариб сотиб олинади.

Кун тартибидаги масала бўйича жамият директори Н.Турсунов йиғилиш қатнашчиларига “Surxondaryo Agroxizmat” МЧЖнинг 2020 йил 08-сентябрдаги 269-сонли хатини ўқиб эшиттирди. Ушбу мурожаатда “Surxondaryo Agroxizmat” МЧЖ “Шеробод пахта тозалаш” АЖга қарашли Таллашқон ва У.Юсупов пахта қабул қилиш масканларини сотиб олмаслигини маълум қилганлигини айтиб ўтди.

Шундан сўнг йиғилиш раиси Ш.Қурбанов сўзга чиқиб жамият акциядорларидан ушбу масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

**“Ёқлаганлар” – 1 256 736 та овоз; “Қаршилар” – 2 4240 та овоз;
“Бетарафлар”–216 та овоз; Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги етинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика ҳудудларида пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришларини янада кенгайтириш чора тадбирлари тўғрисида” ги 2019 йил 18 ноябрдаги 914-сон қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. “Шеробод пахта тозалаш” АЖга қарашли завод ва завод қошидаги пахта тайёрлов маскани ҳамда Дўстлик, Бўстон, Таллашқон ва У.Юсупов пахта қабул қилиш масканларининг бино-иншоотлари ва асбоб ускуналарини баҳолаш қийматидан паст бўлмаган ҳолда хатловдан тўлиқ ўтказилиб, “Сурхондарё Агро- хизмат” МЧЖга тўлиқ сотишга руҳсат берилсин.

3. Жамият бош директори в.в.б Н.Турсуновга қуйидаги шартлар асосида шартнома тузиш ваколати берилсин;

-“Шеробод пахта тозалаш” АЖ ва “Сурхондарё Агрохизмат” МЧЖ ўртасида мулкый мажмуани сотиш бўйича олди-сотди шартномаси тузсин.

-“Шеробод пахта тозалаш” АЖ бино-иншоотлари ва асбоб-ускуналарини умумий қийматини 5 йил муддатда бўлиб тўлаш (тенг миқдордари йиллик тўловлар) шarti билан 2021 йил 31 декабрга қадар 20 фоизини қолган 80 фоиз тўловларни 2022, 2023, 2024, ва 2025 йилларнинг 31 декабрига қадар 20 фоиздан қўшимча қиймат солиғи билан биргаликда тўланиши белгилансин.

-“Шеробод пахта тозалаш” АЖ сотилиши муносабати билан тўлиқ тугатилиб, давлат реестридан чиқарилгунга қадар жамият ходимларига

(тугатиш ходимдари) идора биносидан учта хона ва битта омборхона (текинга) фойдаланишга қолдирилсин.

4. “Шеробод пахта тозалаш” АЖ тўлиқ тугатилиб давлат реестридан чиқарилгунга қадар, жамият бош директори ва керакли мутахассис ходимлар лавозими сақлансин ва ушбу лавозим ходимларига мулкый мажмуа қиймати хисобидан жамиятнинг хисоб рақамига инвестор томонидан тўланадиган пул маблағлари хисобидан ойлик иш хақи тўланиши таъминлансин ва у тўғрисида “Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш бўйича “Лойха офис”га доимий маълумот киритиб борилсин.

5. Жамият томонидан акцияларни қайтариб сотиб олиш акцияларнинг бозор қиймати бўйича яъни 1 (бир) дона акцияни қайтариб сотиб олиш баҳоси 12403,30 сўм қийматида амалга оширилади.

-Жамият акциядорининг ихтиёридаги акцияларни ёзма талабига асосан сотиб олади, ёзма талабда акциядорнинг яшаш жойи (жойлашган ери ва унинг қайтариб сотиб олишни талаб қилаётган акциялар сони кўрсатилган бўлиши лозим. Акциядорларнинг ўзларига тегилши акцияларнинг жамият томонидан қайтариб сотиб олиши тўғрисидаги ёзма талаблари, акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарори қабул қилинган кун (01.04.2021 й)дан, эътибордан ўттиз кундан кечиктирмай, жамиятга тақдим этиш керак. Мазкур муддат тугагандан сўнг, жамият қайтариб сотиб олиш талабини қўйган акциядорлардан акцияларни ўн кун ичида қайтариб сотиб олади.

Бунда жамият томонидан акцияларни қайтариб сотиб олишга йўналтирилладиган маблағларнинг умумий суммаси акциядорларда ўзларига қарашли акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи юзага келишига сабаб бўлган қарор қабул қилинган санадаги жамият соф активлари қийматининг ўн фоизидан ошиб кетиш мумкин эмас.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилингандан сўнг, йиғилиш раиси Ш.Қурбанов акциядорларга уларнинг иштироки учун минатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпик деб эълон қилди.



Йиғилишда раислик қилувчи:

Ш. Курбанов

Йиғилиш котиби:

У.Зубаев

Йиғилиш баённомаси 2021 йил 01 апрел куни икки нусхада тузилди.